



**NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB  
CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON  
TIZIMI**

**Loyiha**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**  
**Наманган вилоятида замонавий агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари**  
**тўғрисида**  
**ID-51869 (V-5)**

Қишлоқ хўжалигида кластерни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотларни етиштириш ва чукур қайта ишлашни ташкил этиш, яйлов ерларни ўзлаштириш, шу асосда аграр секторда иш унумдорлигини ва меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги ва “INDO ORGANICS” акциядорлик жамияти қўшма корхонаси (Хиндистон) (кейинги ўринларда - Инвестор) томонидан Наманган вилоятида агросаноат кластери (кейинги ўринларда - агросаноат кластери) ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш ҳамда мазкур лойиҳа доирасида каннабис (*Cannabis sativa L.*) ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун Наманган вилоятидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерлар ҳисобидан 3,7 минг гектар ер майдонини 25 йил муддатга ижара ҳуқуқи асосида каннабис етиштириш фаолияти учун ҳамда 2 гектар ер майдонини ишлаб чиқариш комплекси қуриш учун ўрнатилган тартибда лицензия олиш ва ер участкаси норматив қийматининг икки баравари миқдоридаги пул маблағини депозитга қўйиш шарти билан ажратиб бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Наманган вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда ўн кун муддатда Инвесторга ер участкаси норматив қийматининг икки баравари миқдоридаги пул маблағи депозитга қўйилгандан сўнг Наманган вилояти Поп тумани Чодак массиви Кўшминор ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 3,7 минг гектар ер майдонини белгиланган тартибда ажратиб берилишини ҳамда 25 йил муддатга ижара шартномаси тузилишини таъминласин.

3. Агросаноат кластери ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида қуидагилар Инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобланади:

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг замонавий ва самарали услубларини, илғор агротехник ва сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш;

Наманган вилоятида агросаноат кластери лойиҳасини амалга ошириш учун умумий қиймати 45 млн. АҚШ доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда каннабис ўсимлигини қайта ишлашнинг самарали усувларини ва уларни чукур қайта ишлаш технологияларини жорий этиш;

етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш ҳамда 100 фоиз экспортга йўналтириш;

илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда каннабис ўсимлигининг ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш, янги навлари ва дурагай

уругларини яратиш ҳамда улар маҳсулотларини қайта ишлашнинг самарали технологияларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш.

4. Қўйидагилар:

Наманган вилояти Поп тумани Чодак массиви худудидаги агросаноат кластери чегарасининг тавсифи ва чизма шакли 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Инвестор томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасининг прогноз параметрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Наманган вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солик кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда хўжаликлараро сугориш ва мелиоратив тармоқларининг техник ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда таъмирлаштиклаш ишларини амалга оширсан ҳамда Наманган вилоятига белгиланган лимит доирасида экин майдонларини сув билан таъминлаш чораларини кўрсан.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Таркибида тетрагидроканнабинол гиёхвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштириш ва фойдаланиш Инвестор томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олгандан сўнг рухсат этилади;

Инвестор ҳудудий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда каннабис ўсимлигининг селекция навларини қонунчиликда белгиланган тартибда олиб кириш ва жойлаштириш, экинларни илмий асосланган тарзда алмашлаб экиш, шунингдек, ўз маҳсулотларини эркин тасарруф қилиш, нарх сиёсати ва сотиш хукуқларига эга.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига мувофиқ сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) сугориш технологиялари жорий этилган ерларга сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга солик солинмаслиги эътиборга олинсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвесторнинг буюртмасига мувофиқ шартнома асосида учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экинлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда зааркунандалар билан зарарланган майдонларда агротехник тадбирларни ўtkазиш бўйича хизмат қўрсатишни йўлга кўйисин.

8. “Худудий электр тармоқлари” АЖ инвестиция лойиҳаси обьектларининг электр тармоқларига уланишини, энергия истеъмол қилувчи қурилмаларни Инвестор маблағлари ҳисобига белгиланган тартибда зарур қувват билан таъминлашни амалга оширсан.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Наманган вилояти ҳокимлигининг виза буюртманомаларига биноан агросаноат кластерини ташкил этишда жалб этиладиган чет эллик мутахассислар учун кириш визаларини консуллик йиғимлар ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Наманган вилояти ҳокимлиги буюртманомалари бўйича агросаноат кластерини ташкил этишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга виза расмийлаштирилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини белгиланган тартибда таъминласин.

11. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграп ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Ш.М. Фаниев, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш. Абдуразаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон қарорига 1-илова

**Наманган вилояти Поп тумани “Чодак” массиви ҳудудидаги агросаноат кластери  
чегарасининг тавсифи**

16-1 нуқталардан 9-нуқтагача бўлган ер майдонлари Наманган вилояти Поп тумани ерлари билан, 16-15 нуқталардан 9-нуқтагача бўлган ер майдонлари Тожикистон Республикаси маъмурй чегарасининг муҳофаза минтақа ер майдонлари билан чегарадош бўлиб, тавсифи қуидагича:

**1-нуқта** (шимолий кенглик координаталари X-4531232,1714, шарқий узунлик Y-641857, 5256 координатаси)дан чегара чизиғи йўналишида, **2-нуқта** (шарқий кенглик координаталари X-4529680,0233, жанубий узунлик Y- 643075,9026 координатаси)дан,

**3-нуқта** (шарқий кенглик координаталари X-4529637,0401, шарқий узунлик Y-643006,869 координатаси)дан,

**4-нуқта** (шимолий кенглик координаталари X-4528386,0428, шимолий узунлик Y-643375,1469 координатаси)дан,

**5-нуқта** (шарқий кенглик координаталари X-4528660,6364, шарқий узунлик Y-644411,6252 координатаси)дан,

**6-нуқта** (шимолий кенглик координаталари X-4525354,0741, шимолий узунлик Y-645755,0687 координатаси)дан, **7-нуқта** (шарқий кенглик координаталари X-4525434,341, шарқий узунлик Y-646377,8281 координатаси)дан Поп тумани “Чодак” массиви Голиблар участкаси ҳудудидаги туман захирасида бўлган яйлов ер майдонлари билан чегараланган.

**8-нуқта** (жанубий кенглик координаталари X-4521452,6001, жанубий узунлик Y-648066,4631 координатаси)дан, 9-нуқта (жанубий кенглик координаталари X-4520892,8874, жанубий узунлик Y-645906,0083 координатаси)гача бўлган ер майдонлари 1-“Арт Софт тех кластер” фермер хўжалиги ҳамда “Нуран Уз” МЧЖ ер майдонлари билан чегараланган.

**9-нуқтадан** (ғарбий кенглик координаталари 10-нуқтадаги X-4523655,4851 ғарбий узунлик Y-643377,842 координатаси)гача бўлган ер майдонларининг ғарбий қисми Ўзбекистон-Тожикистон Республикалари маъмурй чегараси муҳофаза минтақаси ерларини ажратиб турувчи зовур чуқурлик билан чегараланган.

**10-нуқтадан** бошлаб (ғарбий кенглик координаталари 11-нуқтадаги X- 4525773,776, шимолий-ғарбий узунлик Y-640776,6703 координатаси)дан,

**11-нуқтадан** бошлаб (ғарбий кенглик координаталари 12-нуқтадаги X-4527808,0672, шимолий-ғарбий узунлик Y-640558,0632 координатаси)дан,

**12-нуқтадан** бошлаб (ғарбий кенглик координаталари 13-нуқтадаги X-4528547,7746, шимолий-ғарбий узунлик Y-640230,8891 координатаси)дан,

**13-нуқтадан** бошлаб (ғарбий кенглик координаталари 14-нуқтадаги X-4529321,0957, шимолий-ғарбий узунлик Y-640235,8135 координатаси)дан,

**14-нуқтадан** бошлаб (ғарбий кенглик координаталари 15-нуқтадаги X-4529902,4023,


шимолий-ғарбий узунлик Y-640417,8802 координатаси)дан,

**15-нүктадан** бошлаб (ғарбий кенглик координаталари 16-нүктадаги X-4530645,7213, шимолий-ғарбий узунлик Y-640159,9556 координатаси)гача бўлган ер майдонлари Ўзбекистон-Тожикистон Республикалари маъмурий чегараси муҳофаза минтақаси ерлари билан чегараланган.

**16-нүктадан** бошлаб 1-нүктадаги (шимолий кенглик координаталари X-4531232,1714, шарқий узунлик Y- 641857,5256 координатаси)даги нукталарнинг шимолий чегараси Поп тумани “Чодак” массиви Фолиблар участкасидаги туман заҳирасида бўлган яйлов ер майдонлари билан чегараланган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон қарорига 2-илова

**Наманган вилояти Поп тумани “Чодак” массиви ҳудудидаги агросаноат кластери  
чегарасининг чизмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон  
қарорига 3-илова

**“INDO ORGANICS” АЖ ҚҚ томонидан амалга ошириладиган  
агросаноат кластери лойиҳасининг**

**ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

T/p	Агросаноат кластерининг кўрсаткичлари номи	Амалга ошириш муддати	Ер майдон, га	Ҳисобланган йиллик қувват, тонна	Қиймати (млн. АҚШ доллари)
1.	Каннабисни ( <i>Cannabis sativa L.</i> ) етиштириш ва қайта ишлаш (целлюлозали ва мойли экинлардан хомашё ишлаб чикариш)	2022 йил	3 700	33 300	44,4
2.	Агросаноат кластери лойиҳаси доирасида жалб этиладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий қиймати	2022 йил	x	x	45,0